MCHJ «M A S L A X A T A U D I T- M» AT

Жиззах шахри, Байналминалчилар-5, , «Ипотека банк»нинг Жиззах вилоят булими МФО 00122.
Х/р: 20208000404136258001 ИНН 203679800, Тел:(83722): 226-55-78 Эл.почта Maslaxataudit @ olam/uz
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2014 йил 31 январ кунги 00261 сонли лицензияси.

2016 йил 12 апрел

Жиззах шахри.

Молиявий ҳисоботдан ташқи фойдаланувчиларга

«Пахтакор пахта тозалаш» акционерлик жамият (СТИР 201000437) нинг 2015 йил молиявий ҳисоботига ижобий

АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

«Пахтакор пахта тозалаш» АЖ Пахтакор тумани, Буюк Ипак йўли ҚФЙ, Завод кўчаси, 1-уйда жойлашган. Х/р. 20210000900387411001, АТ «Агро банк» Пахтакор туман филиали, МФО 00127, СТИР 201000437, ХХТУТ 17111.

Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti Жиззах шахри, Байналминалчилар кўчаси, 5-уйда жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 26 июлда №658-сонли гувоҳнома ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2014 йил 31 январ кунги №00261 сонли лицензия берилган. Ҳисоб раками 20208000404136258001, АТИБ Ипотекабанк Жиззах вилоят филиали, МФО 00122. "Мадад" СК томонидан 2016 йил 2 январда №АА0003299–ракамли суғурта полиси берилган.

Мен, Шарипов М (Ўз.Р.МВнинг 02.05.2015й кунги №05302-сонли лицензия) Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti аудитори томонидан «Пахтакор пахта тозалаш» АЖнинг 2015 йил 1 январдан 2015 йил 31 декабргача даври учун тайёрланган молиявий ҳисоботларини, тақдим этилган ҳисобот ва маълумотлар бўйича аудиторлик фаолиятни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги хужжатлари, "Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги" Қонуни, аудиторлик фаолияти миллий андозалари (АФМА), аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари ва 2016 йил 9 март куни тузилган 78-сонли шартномага мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказдим. Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботининг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун «Пахтакор пахта тозалаш» АЖ рахбари ва бош ҳисобчиси жавобгар ҳисобланади. MCHJ «MASLAXATAUDIT-M» АТ мазкур молиявий хисобот бўйича билдирилган фикрлар учун маъсулдир.

Ушбу андозалар аудитни ўтказишни режалаштиришни ва ташқи фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини таказо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий хисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун хужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот маълумотларининг бухгалтерия хисоботлари ва маълумотлари асосида тузилганлигини текшириш, тестлар ўтказиш ва молиявий хисобот маълумотларини таҳлил қилишни ўз ичига олади.Тақдим этилган хисоботлар асосида ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча хўжалик фаолияти юритувчи субъект «Пахтакор пахта тозалаш» АЖнинг 2015 йил 1 январдан 31 декабргача даври учун тузилган молиявий ҳисоботлари унинг молиявий аҳволини муҳим жиҳатлари бўйича ҳаққоний акс эттиради. Корхона томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик муомалалари Ўзбекистон Республикасининг конунчилик хужжатлари талабларига мувофиқ келади

Бош директор **М.Гулбаев**

Аудитор **М.Шарипов**

02.05.2015и. №05302-рақамли сертификатли аудитор